


IX. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2020 йилнинг январ-октябр ойларида 6241 та кичик бизнес субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этилиб (2019 йилнинг шу даврига нисбатан 12,4 % камайган), уларнинг сони 43925 тага етди.

2020 йил 1 октябр ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 38097 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўткан йилнинг шу даврига қараганда 23,0 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 4526 таси (11,9 %) Зангиота, 3521 таси (9,2 %) Қибрай, 2763 таси (7,3 %) Тошкент, 2298 таси (6,0 %) Ўртачирчиқ, 2161 таси (5,7 %) Янгийўл, 2088 таси (5,5 %) Ангрен шаҳри ҳамда 2065 таси (5,4 %) Чирчиқ шаҳри ҳиссаларига тўғри келади.




**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да**




2020 йил 1 октябр ҳолатига вилоятимизда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 6241 тани ташкил қилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 883 тага ёки 12,4 % га камайган.

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг йиллар
кесимида сони, бирликда**




**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг
йилларкесимида ўсиш динамикаси, 1 октябр ҳолатига %да**



2016 йил 2017 йил 2018 йил 2019 йил 2020 йил

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
2020 йил январ-сентябр ҳолатига (жамига нисбатан %да)**



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 36,3 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (19,0 %), саноат (18,4 %) ва қурилишда (7,1 %) ташкил этилган.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

2020 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 49,8 % (2019 йил январь-июнда 51,5 %) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 9427,2 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 20,3 %) ёки 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 98,5 % ташкил қилди;

- 18139,0 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 104,2 % (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 95,6 %) ташкил қилди;

- 4011,7 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 32,5 %) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 113,0 % ташкил қилди;


- 2859,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 62,0 %) бажарилди ва 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 112,3 % кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 106,5 % (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 57,6 %), йўловчи айланмасининг эса 89,7 % (умумий йўловчи айланмасининг 97,2 %) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 76,0 % ёки 11107,1 млрд. сўм (ўсиш 96,4 %) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 69,8 % ёки 8 325,2 млрд. сўми (ўсиш 101,0 %) шакллантирилди;

- 307,0 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 25,4 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 906,0 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 44,5 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)



	ЯҲМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Савдо	Қурилиш	Инвестиция	Хизматлар
■ 2019 йил январь-сентябрь	51,5	27,0	97,4	81,8	60,1	27,2	70,8
■ 2020 йил январь-сентябрь	49,8	20,3	94,7	76,0	62,0	32,5	69,8